

**ТТА Урганч филиалининг 2018/2019 ўқув йилидаги
ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий фаолияти бўйича
ХИСОБОТИ**

Филиални ташкил топиши. 1992 йил 2 сентябрда Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали очилди. 1995-1998 йиллар мобайнида Урганч давлат университети таркибида “Тиббиёт маркази” сифатида фаолият юритди. 1998 йилда яна қайтадан Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали сифатида фаолият бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629-сонли “Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармонига асосан, Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали деб юритила бошлади.

I. Ўқув услубий фаолият тўғрисида маълумот

Моддий-техник базаси тўғрисида маълумот. ТТА УФ биноси жойлашган худуднинг умумий ер майдони 39768 m^2 , шундан фойдали майдон 25500 m^2 . Бош бинонинг бир вақтда жойлаштириш сифими – 1500.

- аудиториялардаги ўринлар сони – 1332 та;
- ўқув аудиториялари сони – 85 та;
- маъруза хоналари сони – 16 та;
- лобаратория хоналари сони – 6 та;
- лингофон хоналари – 6 та;
- компьютер хоналари сони – 2 та;
- жами компьютерлар сони – 337 та;
- шундан 270 таси интернетга уланган;
- талабалар тураг жойи сифими – 230 нафар;
- ошхоналар сони – 1 та, сифими – 240 нафар;
- буфетлар сони – 2 та, сифими – 50 нафар;

Жами профессор-ўқитувчилар сони 249 нафар, шундан 212 (85,1%) нафари асосий ходимлар ҳисобланади. Асосий ходимлардан 13 нафари (6,1%) фан докторлари, профессорлар, 39 (18,4%) нафари фан номзодлари, доцентлар, 30 (14,1%) - катта ўқитувчилар, 130 (61,4%) нафари асистентлар, жамоанинг 110 нафари(52%)ни аёл профессор-ўқитувчилар ташкил қилади.

Кафедралар сони 18 та, шундан 6 таси бош бинода, 5 таси филиал клиникасида, 7 таси ВССБ марказ, диспансер ва шифохоналарида жойлашган.

Филиалда 2 та - Даволаш ҳамда Педиатрия факультетлари мавжуд бўлиб, улар даволаш, педиатрия, тиббий-педагогика, тиббий профилактика ва олий малакали ҳамширалар иши йўналишларини бирлаштиради.

Ҳозирги кунда жами талабалар сони 1410 нафарни ташкил қиласди. Шундан 215 нафари ҳорижлик талабалар бўлиб, улар асосан Россия Федерацияси, Туркманистон ва Тожикистон Республикаси фуқаролари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидан 1195 нафар (85%) талаба, шундан Хоразм вилоятидан 847 нафар (70,9%), бошқа вилоятлардан 348 нафар (29,1%) талабалар таълим олишади. Бошқа миллатга мансуб талабалар сони 85 нафар (7,1%) бўлиб, улар асосан қозоқ, қорақалпоқ, араб, тожик, туркман ва корейс миллатлари фуқароларини ташкил қиласди.

212 нафар профессор-ўқитувчилардан ҳозирги кунгача 156 нафари (73,6%) малака ошириш курсларида ўқиган, 6 нафар педагоглар март-апрель ойларидағи ўқув-машғулотларида қатнашмоқдалар. Йил охирига қадар яна 29 нафар ходимларни малака ошириш курсларига юбориш режалаштирилган. Янги иш фаолиятини бошлаган магистрантлар 16 нафарни ташкил қиласди. Ушбу ходимларни ўқитиш 2021 йилга режалаштирилган.

Кузги семестр кўрсаткичлари. Кузги семестр якунлари бўйича жами 1410 нафар талабалардан, биринчи ЯН топширишда 887 нафар талаба ижобий балл билан топширган, қолган 523 нафар талаба кейинги қайта топширишга қолган.

Энг ёмон кўрсаткич, биринчи босқич талабаларида қайд қилинди. Жами 526 нафар талабанинг 283 нафари (53,8%) ЯН биринчи босқичидан ўта олмади.

Филиал бўйича жами ўзлаштириш кўрсаткичи 77,8%, сифат кўрсаткичи 63,9% ни ташкил этади.

Ахборот-ресурс маркази. Марказнинг умумий фондида 5202 номдаги 58551 нусха китоблар мавжуд.

- Жумладан: ўқув адабиётлар – 795 номда, 29575 нусхада
- шундан хорижий ўқув адабиётлар – 221 номда, 7420 нусхада;
- илмий адабиётлар – 374 номда, 5293 нусхада;
- бадиий адабиётлар – 3511 номда, 14663 нусхада;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар – 521 номда, 9020 нусхада.

Ҳозирги вақтда АРМ да электрон ресурслар фонди:

Жами электрон ресурслар сони 8047 тани ташкил этади.

- Шундан: дарсликлар – 28 % ни (2298);
- ўқув қўлланмалар – 26 % ни (2141),
- бадиий ва илмий-оммабоп ресурслар – 9 % ни (560);

- хорижий адабиётлар – 11 %ни (920);
- ва бошқалар 26 % ни (2128) ташкил этади.

2019-2022 ўқув йилидан филиалда “Стоматология” ва КФУ ўқув дастурлари асосида “Тиббий биология” таълим йўналишлари очилиши кутилмоқда.

II. Илмий фаолият қўрсаткичлари

ТТА Урганч филиалида бугунги кундаги илмий салоҳият 24,4% ни ташкил қилади, профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши 42 ёш. Кейинги 3 йил давомида филиалга 62 нафар магистр ишга қабул қилинган, уларнинг ўртача ёши 32 ёшни ташкил қилади. 2019 йилда Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртларида таълим олаётган Хоразм вилоятидан бўлган 23 нафар магистр билан ишга қабул қилиш бўйича шартномалар имзоланди.

2019 йилда филиалнинг 4 нафар ходими фалсафа фанлари доктори диссертациясини ҳимоя қилди. Булар, Обидова З.К. (тарих), Бобожонова У.Б. (педагогика), Рузметов И.Б. (болалар жарроҳлиги) ва Рахманова В.Р. (ревматология PhD Корея).

10 нафар ходим ТТА кафедраларида турли йўналишларда PhD таянч докторантурасида I ва II босқичларда таълим олишмоқда. Яна 57 нафар ходимлар Республикаизнинг турли ОТМларида PhD бўйича, 5 нафар DSe мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ўтган бир йил давомида 3 та монография, 210 та мақола, шулардан: 78 таси хорижий, илмий-амалий анжуманлар тўпламларида 400 дан ортиқ тезислар чоп қилинди.

Филиалнинг илмий салоҳиятини ошириш бўйича 2019-2022 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилган. Стратегия бўйича 2022 йил охиригача, филиалнинг илмий салоҳиятини 85% га етказиш режалаштирилган.

Клиник ординатура бўйича 29 та йўналиш мавжуд бўлиб, I ва II босқичларда 229 нафар ординаторлар таълим олишмоқда. Жорий йилда яна 3 та йўналиш очиш режалаштирилмоқда.

2019-2020 ўқув йилида филиал тарихида биринчи марта 3 та йўналиш бўйича, акушерлик ва гинекология, терапия ва жарроҳлик йўналишлари бўйича магистратура очилишт режага киритилган.

2019 йил давомида 2 та илмий-амалий конференция халқаро иштирокчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. 2019 йил 20 май санасида “Метаболик синдром-муаммолар, ечимлар”, 24-25 октябрь кунларида “Тиббиётда мининвазив технологиялар: кеча, бугун ва эртага. Муаммолар ҳамда ривожланиш истиқболлари” мавзуларидаги анжуманлар ўтказилади.

Чет давлатлар билан ҳамкорлик. Ўтган бир йил давомида филиалга чет эллик профессор-ўқитувчилар маъруза ўқиш ва махорат дарсларини олиб бориш учун ташриф

буюрдилар. Шулардан, Туркиядан – 12 нафар, Корея – 9 нафар, РФ – 7 нафар, Қирғизистон – 5 нафар, АҚШ – 4 нафар, Германия, Истроил, Украина, Швейцария, Грузия, Малайзия ва Ҳиндистон давлатларидан 2 нафардан жами 51 нафар чет давлатлардан мутахассислар ташриф буюришди. Бундан ташқари, ТТАнинг 12 нафар профессор-ўқитувчилари ҳам филиалга маъруза ва амалий ҳамда маҳорат дарсларини олиб бориш учун ташриф буюришди.

2018 йилнинг 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ОТМлари форуми доирасида Казань Федерал университети ва Астрахань давлат тиббиёт университетлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. КФУ ўқув дастурлари асосида “Тиббий биология” таълим йўналиши, АДТУ билан қўшма клиник ординатура очиш бўйича “Йўл харита”лари ишлаб чиқилди ва режа асосида ишлар олиб борилмокда.

2019-2020 ўқув йили давомида филиалнинг 10 нафар ходими чет элларда ўз мутахассисликлари бўйича бир ойлик малака ошириш курсларида бўладилар, бунинг учун ССВ томонидан етарли маблағ ажратилди.

Иқтидорли талабалар.

- Нуруллаев Бобур – 6-босқич талабаси. 2018 ўқув йилида И.Каримов номидаги стипендия соҳиби;
- Алимова Маҳлиё – 5-босқич талабаси. 2018 ўқув йилида Ибн-Сино стипендияси соҳиби;
- Джуманиязов Сарвар – 5-босқич талабаси. 2018 ўқув йилида Врачлар ассоциацияси стипендияси соҳиби.
- Исмаилова Озода – 1-босқич талабаси. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.
- Рашидов Озод – 4-босқич талабаси. Спортнинг КЕМПО ММА тури бўйича биринчи Осиё чемпионатида бронза медали соҳиби бўлишган.

Шунингдек, ТТА УФ талабалари 2019 йил 11-12 апрель кунлари Россия Федерациясининг Астрахань Давлат тиббиёт университетида ўтказилган “Шошилинч ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш” халқаро олимпиадасида Россия Федерацииси тиббиёт олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Республикасидан Самарқанд ва Андижон тиббиёт институтлари талабалари иштирокида ўтказилган халқаро олимпиадада фахрли 1-уринни қўлга киритиб, 1-даражали диплом билан тақдирландилар.

2017-2018 ўқув йили битирувчилари бандлиги тўғрисидаги маълумот. 2017-2018 ўқув йилида ТТА Урганч филиали бакалавриатини (январь ҳолати бўйича) жами: 4 та йўналиш бўйича, жумладан: (даволаш иши 45 нафар, педиатрия 53 нафар, тиббий педагогика йўналишидан 19 нафар,) жами: 117 нафар битирувчи тугатди. (Изоҳ: шундан:

44 нафари давлат гранти, 73 нафари тўлов-контракт, ҳозирги вақтда 116 нафар битирувчи соғлиқни сақлаш тизимиға, 2 нафари эса тиббиёт коллежига ишга жойлашган.

Жорий ўқув йилида филиални 156 нафар битирувчи ўқиши тугатиши кутилмоқда. Бугунги кунда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида иш берувчи тиббиёт муассасалари билан меҳнат шартномалари тўлиқ имзоланди.

III. Маънавий-маърифий ишлар таҳлили

2018 йил май ойидан 2019 йил 15 апрелигача филиалда 250 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Шулардан, 75 таси профилактик тадбирлар, 60 таси давра-суҳбатлари, 15 таси рейд тадбирлари ва 100 дан ортиқ турли маданий-маърифий тадбирлар ҳисобланади. Филиалнинг “Қувноқлар ва зукколар” жамоаси кўрик-танловнинг вилоят босқичида биринчи ўрин эгаллаб, Республика босқичининг чорак финал ўйинларида мувафаққиятли иштирок этишди. Шунингдек, филиал профессор-ўқитувчилари ва талabalari вилоят микёсида ўтказилиб келинаётган спорт мусобақаларида мунтазам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Филиал профессор-ўқитувчилари ва ишчи хизматчилари ички туризмни ривожлантириш бўйича “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида Республикаизнинг тарихий Самарканд, Шахрисабз, Бухоро ва Хива шаҳарларига ва Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида жойлашган И.В.Савицкий номидаги Санъат музейига мунтазам ташриф буюриб келадилар.

Филиал раҳбарияти, кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташабbusлари”нинг “ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилишга йўналтириш” бўйича “Ўқиган мактабимга китоб совға қиласман!” акциясида фаол қатнашиб, ҳар бир профессор-ўқитувчилар ўзлари таҳсил олган мактабларига камида 10 та ва ундан ортиқ китоблар совға қилдилар.

Филиал ҳаётида бўлаётган барча жараёнлар филиалнинг расмий веб-сайти www.urgfiltma.uz орқали ёритилиб борилмоқда.

IV. Камчилик ва таклифлар

-2019-2020 ўқув йилида 550-600 нафар талаба қабул қилиниши кутиляпти, шундан келиб чиқиб, ўқув хоналар сонини қўшимча 50 тага кўпайтириш зарур;

-кафедраларда вакант ўринлар мавжуд, ёш, илм билан шуғулланадиган магистрларни излаб топиш, илмий салоҳиятни ошириш зарур;

-чет эллик талабалар сонининг ортиши кутилаётганлигини инобатга олган ҳолда, 800 ўринга мўлжалланган ётоқхона қуриш;

-талабалар сонининг ошиши натижасида ўқув-лаборатория, илмий, китоблар сони ва бошқа жиҳозларга эҳтиёж ошади, шуларни эътиборга олиб, моддий-техник базани кенгайтириш ва кўпайтириш лозим,

-ривожланган давлатларнинг тиббиёт соҳаси ўқув-педагогик, илмий-амалий илгор-технологияларини кенг жорий қилиш;